

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**23-сон**  
**(367)**  
**2009 йил**  
**8 июнь**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

262. «Жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб киришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июндаги ПҚ-1118-сон қарори

263. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 4 июндаги ПҚ-1124-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

264. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси мо-

лия вазирининг 2009 йил 30 апрелдаги 47-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1960*)

265. «Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 11 майдаги 54-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1961*)

266. «Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 1 майдаги 18 Қ/Қ, 20, 13/ҚҚ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1962*)

267. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 22 майдаги 160-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1963*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 30 майдан 5 июнгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **262** Жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб киришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишни янада кучайтириш ва жисмоний шахслар томонидан республикага истеъмол товарларини олиб киришни тартибга солиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2009 йилнинг 2 июнидан бошлаб қўшни давлатлардан шахсий фойдаланиш учун жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига бир йўла олиб кириладиган импорт истеъмол товарларининг бож тўловлари олинмайдиган умумий қиймати 10 АҚШ долларини ташкил этади.

Маълумот учун қабул қилинсинки, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кираётган жисмоний шахсларга нисбатан товарларни бож тўловларисиз олиб кириш нормаларининг амал қилиши татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси жисмоний шахслар томонидан товарларни республика ҳудудига олиб киришнинг белгиланган тартибига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси бир ҳафта муддатда идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқ ҳолга келтирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 июнь,  
ПҚ-1118-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 263 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Уммон Султонлиги Ҳукумати ўртасида 2009 йил 30 март куни Тошкент шаҳрида имзоланган:

Даромадларнинг икки ёқлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисидаги;

Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 4 июнь,  
ПҚ-1124-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

**264** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1960*

*(2009 йил 9 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ–1005-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 48-сон, 472-модда) 5-бандига асосан ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари бўйича маълумотларни тизимлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 30 апрель,  
47-сон

Молия вазирининг  
2009 йил 30 апрелдаги 47-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига  
инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини  
олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва  
инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари  
тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ–1005-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 48-сон, 472-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари олувчилар (кейинги ўринларда — грант олувчилар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига ушбу Қоидаларнинг 1, 2 ҳамда 3-иловаларида келтирилган шаклларга мувофиқ банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни (кейинги ўринларда — маълумотлар) мажбурий тартибда тақдим этадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига маълумотларни, бевосита чет эл давлатлари, уларнинг федерал ёки муниципал ташкилий тузилмалари, халқаро ва чет эл ташкилотлари, шунингдек, бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда — донорлар) дастур ҳамда келишувларида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инсонпарварлик ёрдамлари билан боғлиқ бўлган тадбирларни ўзаро мувофиқлаштирилишига масъул ҳисобланган, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича Комплекс раҳбарининг қарорларида белгиланган инсонпарварлик ёрдами олувчилар, техник кўмаклашиш воситалари бўйича эса халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда чет эл ҳукумати ташкилотларининг техник кўмаклашишни тақдим этиш тўғри-

сидаги қарорларида кўрсатилган, техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар такдим этадилар.

3. Маълумотда барча устун, қатор ва реквизитлар тўлдирилиши шарт. Агар грант олувчида тегишли маълумотларнинг йўқлиги сабабли у ёки бу қатор (устун) тўлдирилмай қолган ҳолларда, ушбу қатор (устун) устига тўғри чизик тортилади. Маълумотдаги ёзувлар, ёзув машиналари, механизациялаштириш воситалари ёки ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилиши лозим.

4. Маълумот грант олувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади ва муҳри билан тасдиқланади.

5. Маълумотда ўчиришлар ва тузатиб ёзишлар бўлмаслиги лозим. Хатолар тузатилган тақдирда, грант олувчининг раҳбари томонидан тасдиқланган, тегишли изоҳлар кўрсатилади.

6. Маълумот миллий валюта ва АҚШ долларарида тўлдирилади. Бошқа чет эл валютасида расмийлаштирилган инсонпарварлик ёрдами (техник кўмаклашиш) грант олувчи томонидан ушбу инсонпарварлик ёрдами (техник кўмаклашиш) олинган кунда амалда бўлган, Марказий банкнинг курси бўйича АҚШ долларарида қайта ҳисобланади.

## **II. Жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумот**

7. Жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари, шу жумладан, натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумот (маскур Қоидаларга 1-илова) донорлар томонидан дастурлар ва битимлар тасдиқланган ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инсонпарварлик ёрдамлари билан боғлиқ бўлган тадбирларни ўзаро мувофиқлаштирилишига масъул ҳисобланган, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича Комплекс раҳбарининг қарорлари, шунингдек, халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда чет эл ҳукумати ташкилотларининг техник кўмаклашишни такдим этиш тўғрисидаги қарорлари тасдиқланган куннинг эртаси куни грант олувчининг жойлашган жойидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигининг тегишли бўлинмаларига почта орқали ёки қўлда такдим этилади.

8. Жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотнинг устунлари қуйидагича тўлдирилади:

А устунда — тартиб рақами кўрсатилади;

Б устунда — донор мамлакат ва донор номи кўрсатилади;

В устунда — лойиҳа номи кўрсатилади;

Г устунда — инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш мақсади кўрсатилади;

Д устунда — Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак-

лашиш воситаларининг олиниши маъқулланган ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилади;

Е устунида — дастур, битим ёки тегишли қарор бўйича инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг миллий валютадаги умумий суммаси кўрсатилади;

Ж устунида — дастур, битим ёки тегишли қарор бўйича инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг АҚШ долларисидаги умумий суммаси кўрсатилади.

### **III. Келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумот**

9. Келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари, шу жумладан, натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушганлиги тўғрисидаги маълумот (мазкур Қоидаларга 2-илова) бўйича операциялар амалга оширилган куннинг эртаси куни грант олувчининг жойлашган жойи бўйича, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг тегишли бўлинмаларига почта орқали ёки қўлда тақдим этилади.

10. Келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотда, «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштирилган юклар кўрсатилади.

11. Маълумотнинг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

«Олувчи» устунида — грант олувчининг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ номи кўрсатилади;

«Мамлакатлар/донорлар» устунида — донорнинг мамлакати ва донор кўрсатилади;

«Лойиҳа номи» устунида — лойиҳанинг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Лойиҳани маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатнинг номи» устунида — Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг лойиҳани маъқуллаш тўғрисидаги қарорининг номи кўрсатилади.

12. Келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги устунлар қуйидаги тартибда тўлдирилади:

А устунида — тартиб рақами кўрсатилади;

Б устунида — инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилади;

В ва Г устунларида — ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар рақами ва санаси кўрсатилади;

Д устунида — келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашиш воситаларининг миллий валютадаги суммаси кўрсатилади;

Е устунида — келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашиш воситаларининг АҚШ долларисидаги суммаси кўрсатилади;

Ж устунида — инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашишнинг қисқача тавсифи кўрсатилади. Ушбу устун фақат натура кўринишидаги



инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари келгандагина тўлдирилади.

#### **IV. Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилиши тўғрисидаги маълумот**

13. Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари, шу жумладан, натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилиши тўғрисидаги маълумот (мазкур Қоидаларга 3-илова) ишлатилиш бўйича операциялар амалга оширилган куннинг эртаси куни грант олувчининг жойлашган жойи бўйича, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг тегишли бўлинмаларига кўлда тақдим этилади.

14. Маълумотнинг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

«Олувчи» устунда — грант олувчининг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ номи кўрсатилади;

«Мамлакатлар/донорлар» устунда — донорнинг мамлакати ва донор кўрсатилади;

«Лойиҳа номи» устунда — лойиҳанинг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Лойиҳани маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатнинг номи» устунда — Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг лойиҳани маъқуллаш тўғрисидаги қарорининг номи кўрсатилади.

15. Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилиши тўғрисидаги устунлар қуйидаги тартибда тўлдирилади:

А устунда — тартиб рақами кўрсатилади;

Б устунда — инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилади;

В ва Г устунларида — ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар рақами ва санаси кўрсатилади;

Д устунда — инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашиш воситаларнинг ишлатилган суммаси миллий валютадаги суммаси кўрсатилади.

Қуйидаги шаклларда тушган инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашиш воситаларидан фойдаланилганда:

пул шаклида — грант олувчилар томонидан чек ва тўлов ҳужжатлари асосида сарфланган сумма кўрсатилади;

асосий восита кўринишидаги натурал шаклда — ҳисобварақ-фактура ва бошқа ҳужжатлар (қабул қилиш далолатномаси ва ҳ.к.) асосида асосий воситанинг қиймати кўрсатилади;

асосий восита бўлмаган, натурал шаклдаги товар-моддий бойликлар кўринишида — ҳисобварақ-фактура ва истеъмол қилинганлигини (ҳисобдан чиқарилганлигини) ёки уларни тўғридан-тўғри истеъмолчиларга берилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (ҳисобдан чиқариш далолатномаси, тарқатиш ведомости ва ҳ. к.) асосида товар-моддий бойликлар қиймати кўрсатилади;

Е устунида — инсонпарварлик ёрдами ёки техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилган суммаси АҚШ долларида кўрсатилади.

#### **V. Жавобгарлик**

16. Мазкур Қоидаларга мувофик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига тақдим этилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун грант олувчилар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари жавобгардирлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига  
инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини  
олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва  
инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари  
тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш қоидаларига  
1-ИЛОВА

**Жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТ\***  
200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига

\_\_\_\_\_ (олувчининг номи)

| Т/р  | Мамлакатлар/<br>донорлар | Лойиҳа номи | Жалб этиш<br>мақсади | Қачон<br>маъқулланган<br>(рақами ва санаси) | Умумий суммаси |                  |
|------|--------------------------|-------------|----------------------|---|----------------|------------------|
|      |                          |             |                      |   | сўмда          | АҚШ<br>долларида |
| А    | Б                        | В           | Г                    | Д   | Е              | Ж                |
| 1.   |                          |             |                      |   |                |                  |
| 2.   |                          |             |                      |   |                |                  |
| .... |                          |             |                      |   |                |                  |

\* Натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини ҳам ўз ичига олган холда.

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Тақдим этиш санаси 200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига  
инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини  
олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва  
инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари  
тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш қоидаларига  
2-ИЛОВА

**Келиб тушган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТ\***

**200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига**

Олувчи \_\_\_\_\_

Мамлакатлар/ донорлар \_\_\_\_\_

Лойиҳа номи \_\_\_\_\_

Лойиҳани маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатнинг номи \_\_\_\_\_

| Т/р  | Ҳужжатнинг номи | Келиб тушганлигини тасдиқловчи<br>ҳисобварақ-фактура ёки бошқа<br>ҳужжатлар реквизитлари |        | Келиб тушган сумма |               | Изоҳ |
|------|-----------------|--|--------|--------------------|---------------|------|
|      |                 | санаси   | рақами | сўмда              | АҚШ долларида |      |
| А    | Б               | В  | Г      | Д                  | Е             | Ж    |
| 1.   |                 |  |        |                    |               |      |
| 2.   |                 |  |        |                    |               |      |
| .... |                 |  |        |                    |               |      |

\* Натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини ҳам ўз ичига олган ҳолда.

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

М.Ў.

Тақдим этиш санаси 200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига  
инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини  
олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва  
инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари  
тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш қоидаларига  
З-ИЛОВА

**Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг ишлатилиши тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТ\***

**200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига**

Олувчи \_\_\_\_\_  
Мамлакатлар/ донорлар \_\_\_\_\_  
Лойиҳа номи \_\_\_\_\_  
Лойиҳани маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатнинг номи \_\_\_\_\_

| Т/р  | Ҳужжатнинг номи | Келиб тушганлиги ёки ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура ёки бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари |        | Ишлатилган сумма |                 |
|------|-----------------|---|--------|------------------|-----------------|
|      |                 | санаси  | рақами | сўмда            | АҚШ долларарида |
| А    | Б               | В   | Г      | Д                | Е               |
| 1.   |                 |   |        |                  |                 |
| 2.   |                 |   |        |                  |                 |
| .... |                 |   |        |                  |                 |

\* Натура кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини ҳам ўз ичига олган ҳолда.

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

М.Ў.

Тақдим этиш санаси 200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MOЛИЯ BAZИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**265** Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс  
эйтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1961*

*(2009 йил 11 июндан кучга киради)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) 5-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 199-сонли «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эйтириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 74-сонли «Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эйтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги буйруғи (2004 йил 22 июнь, рўйхат рақами 1373 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 25-сон, 291-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 11 май,  
54-сон

Молия вазирининг  
2009 йил 11 майдаги 54-сонли  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини  
акс эттириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) ва «Лизинг тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 108-модда) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 199-сонли «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 17-сон, 197-модда) мувофиқ, бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартибини белгилайди.

**§ 1. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларга (бундан кейинги ўринларда корхона деб юритилади) (бюджет ташкилотлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари) татбиқ этилади.

2. Мазкур Низом қуйидаги объектлар ва операцияларга нисбатан қўлланилмайди:

а) табиат ресурслари, шу жумладан нефть, табиий газ ва бошқа қайта тикланмайдиган ресурсларни қидириш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижара келишувларига;

б) интеллектуал мулк объектлари бўйича лицензия келишувларига.

3. Мазкур Низом мақсадларида молиявий ижара ўз ичига лизингни ҳам камраб олади.

**§ 2. Ижарага берувчида (лизингга берувчида) молиявий  
ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби**

4. Молиявий ижара объектларини кейинчалик молиявий ижарага бериш мақсадларида харид қилиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара объектлари уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини қўшган ҳолда (агар улар копланмаса) кирим қилинганда:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган

счётлар» ёки 6120 «Шўба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» ёки турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ёхуд бошқа тегишли счётлар;

б) молиявий ижара объектларини харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларга:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти, 6110 «Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар», 6120 «Шўба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ва бошқа тегишли счётлар;

в) молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан қопланадиган ва ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан молиявий ижара объектини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар амалга оширилганда:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

г) молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан қопланмайдиган ва ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан молиявий ижара объектини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар амалга оширилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

д) ижара объектини харид қилиш ва уни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ хизматларни кўрсатган мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги қарзларнинг тўланиши (қопланиши):

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6120 «Шўба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ва бошқа тегишли счётлар;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

5. Агар молиявий ижара шартномасининг шarti бўйича молиявий ижара объекти сотувчи томонидан ижарага берувчини (лизингга берувчини) четлаб бевосита ижарага олувчига (лизингга олувчига) етказиб берилса, ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) бухгалтерия ҳисобида молиявий ижара объектининг кирими ва чиқими тўғрисидаги ёзувлар молиявий



ижара объектнинг ҳаракатини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

6. Агар молиявий ижара шартномасининг шарти бўйича ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан молиявий ижара объекти сотиб олинган бўлса, лекин ижарага олувчи (лизингга олувчи) маълум сабабларга кўра уни қабул қилишдан бош тортса, мазкур молиявий ижара объекти ундан фойдалангунга ёки чиқиб кетгунга қадар капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи сўётларда (0800) ҳисобга олинади.

7. Агар минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектнинг жорий қийматидан паст бўлса, унда молиявий ижара ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича тан олиниши лозим.

8. Агар минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектнинг жорий қийматидан юқори бўлса, унда молиявий ижара ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида молиявий ижара объектнинг жорий қиймати бўйича тан олиниши лозим.

9. Молиявий ижара объектлари берилганда, ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинган қиймат билан молиявий ижара объектнинг бошланғич (агар берилаётган объект олдин фойдаланилмаган бўлса) ёки қолдиқ (агар объект берилгунга қадар фойдаланишда бўлган бўлса) қиймати ўртасидаги фарқ 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» сўётида ҳисобга олинган молиявий ижара объектларининг қайта баҳолаш натижаларини, яъни ушбу молиявий ижара объекти баҳосининг олдинги ўсиши суммасининг, ижара объекти баҳосининг олдинги пасайиши суммасидан ортган суммасини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар қилингандан сўнг, кечиктирилган даромад (харажат) сифатида акс эттирилади ва ижара (лизинг) тўловининг ҳисобланишига қараб бир маромда (ойма-ой) асосий фаолиятнинг бошқа даромадларига (бошқа операцион харажатларига) олиб борилади.

10. Молиявий ижара объектларининг ижарага олувчига (лизингга олувчига) берилиши, агар берилаётган объект олдин фойдаланилмаган бўлса, бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара объектлари молиявий ижарага берилганда, ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинган қийматига:

дебет 0920 «Молиявий ижара бўйича олинган тўловлар» сўёти;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» сўёти;

б) молиявий ижара объектларининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» сўёти;

кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи сўётлар (0800);

в) молиявий ижара объектининг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

г) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларини бериш натижасида кечиктирилган даромадлар пайдо бўлганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти;

д) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларини бериш натижасида кечиктирилган харажатлар пайдо бўлганда:

дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти.

11. Молиявий ижара объектларининг ижарага олувчига берилиши, агар берилаётган объект олдин фойдаланишда бўлган бўлса, яъни асосий воситалар таркибида бўлган ҳолатда, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

а) асосий воситалар молиявий ижарага берилганда, ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қийматига:

дебет 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

б) асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

в) асосий воситаларнинг жамланган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

г) ижарага берувчи томонидан молиявий ижара объектини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

д) асосий воситаларнинг ушбу объектини қайта баҳолаш натижалари (қолдиғи) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

е) молиявий ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни бериш натижасида кечиктирилган даромадлар пайдо бўлганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти;

ж) молиявий ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни бериш натижасида кечиктирилган харажатлар пайдо бўлганда:

дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

12. Молиявий ижара объектларининг молиявий ижара шартномаси бўйича берилиши натижасида пайдо бўлган кечиктирилган даромадлар ва кечиктирилган харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ, молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида пайдо бўлган узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти;

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;

б) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида пайдо бўлган кечиктирилган даромадларнинг жорий қисмининг ҳисобот даври давомида бир маромда молиявий натижаларга ўтказиб борилиши:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти;

в) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ, молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти;

кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти;

г) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида пайдо бўлган кечиктирилган харажатларнинг жорий қисмининг ҳисобот даври давомида бир маромда молиявий натижаларга ўтказиб борилиши:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти.

13. Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналар жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) ҳисобланган даромади суммасини (ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти.

14. Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналар жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) ҳисобланган даромади суммасини (ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради:

дебет 4830 «Олинадиган фоизлар»счёти;

кредит 9550 «Молиявий ижарадан даромадлар»счёти.

15. Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) ижара (лизинг) тўловларининг келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ молиявий ижара бўйича олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти;

кредит 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;

б) молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

в) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара (лизинг) тўловлари бўйича ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти;

г) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келганда ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) олдин олинган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашишга) олиб борилганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар».

16. Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) ижара (лизинг) тўловларининг келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ молиявий ижара бўйича олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти;

кредит 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;

б) молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти;

кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти;

в) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара (лизинг) тўловлари бўйича ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти;

г) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) олдин олинган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти;

кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти.

17. Молиявий ижара шартномаси муддати тугагандан кейин ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан молиявий ижара объектининг қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижара объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти;

б) ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини яхшилаш харажатларининг ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

в) молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқалар) суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

г) ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини яхшилаш бўйича харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

18. Ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан молиявий ижара объектини муддатидан олдин қайтариши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара тўхтатилган санадаги молиявий ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижара объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар — жорий қисми» счёти;

кредит 0920 «Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар» счёти — узоқ муддатли қисми;

б) ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини яхшилаш харажатларининг ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

в) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида вужудга келган кечиктирилган даромадларнинг қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиш:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти — жорий қисми;

дебет 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти — узоқ муддатли қисми;

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти;

г) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида вужудга келган кечиктирилган харажатларнинг қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиш:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти — жорий қисми;

кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти — узоқ муддатли қисми;

д) молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқалар) суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), сугурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

е) ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан амалга оширилган мо-

лиявий ижара объектини яхшилаш бўйича харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

### **§ 3. Ижарага олувчида (лизингга олувчида) молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби**

19. Агар минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг жорий қийматидан паст бўлса, унда молиявий ижара ижарага олувчининг (лизингга олувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича тан олиниши лозим.

20. Агар минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг жорий қийматидан юқори бўлса, унда молиявий ижара ижарага олувчининг (лизингга олувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида молиявий ижара объектининг жорий қиймати бўйича тан олиниши лозим.

21. Молиявий ижара шартномаси бўйича олиб келинган молиявий ижара объектлари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара объектларини ижарага олувчининг (лизингга олувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида тан олинган қиймати бўйича қирим қилиш:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счёти;

б) молиявий ижара объектларини белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

в) молиявий ижара объектларини бошланғич қиймат бўйича фойдаланишга топшириш (уларнинг асосий воситалар таркибига ўтказилиши):

дебет 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти;

кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800).

22. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500,

2600, 2700, 9400 ва бошқа счётлар — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб);

кредит 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти;

б) Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ишчи ҳолатда сақлаб туриш (жорий, ўртача ёки капитал таъмирлаш ва бошқалар) билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва бошқа счётлар — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб);

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), сўғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар.

23. Молиявий ижара бўйича фоизларни ҳисоблаш ва ижарага берувчига (лизингга берувчига) ижара (лизинг) тўловларини тўлаш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс этирилади:

а) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ молиявий ижара бўйича узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счёти;

кредит 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти;

б) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ молиявий ижара бўйича ҳисобланган фоизлар суммасига:

дебет 9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар» счёти;

кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти;

в) ижарага берувчига (лизингга берувчига) ижара (лизинг) тўловларининг жорий қисми тўланганда:

дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти;

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

г) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара (лизинг) тўловлари бўйича ижарага берувчига (лизингга берувчига) бўнақ тўланганда:

дебет 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

д) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарага берувчига (лизингга берувчига) олдин тўланган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти;

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти;

кредит 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти.

24. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник жиҳатдан



қайта қуроллантириш ва бошқалар) харажатлари суммаси молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қийматини кўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) капитал қўйилмалар амалга оширилганда:

дебет 0860 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счёти;

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

б) капитал қўйилмалар асосий воситалар таркибига ўтказилганда:

дебет 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти;

кредит 0860 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счёти;

в) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича эскириш ҳисобланганда:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва бошқа счётлар — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб);

кредит 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти.

25. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ободонлаштирилишини қайта баҳолаш бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг баҳолари ўсиши суммасига:

дебет 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар объектлари бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг ўсиши суммасига;

дебет 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг ўсиши суммасига;

кредит 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскириши баҳосининг ўсиши суммасига;

кредит 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти — молиявий ижара шарт-

номаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг жамланган эскириши баҳосининг ўсиши суммасига;

кредит 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати баҳосининг ўсиши ва жамланган эскиришлар баҳосининг ўсиши суммалари ўртасидаги фарқ суммасига;

б) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг баҳолари пасайиши суммасига:

дебет 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскириши баҳосининг пасайиши суммасига;

дебет 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг жамланган эскириши баҳосининг пасайиши суммасига;

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти — илгари қайта баҳолаш натижасида молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар объектларининг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг баҳолари ўсиши суммасига ёки ушбу объектларнинг илгариги баҳолари ўсиши суммасининг илгариги баҳолари пасайиши суммасидан ошган қисми доирасидаги суммага;

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар объектларининг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг баҳолари пасайиши суммасининг ушбу объектларни илгари қайта баҳолаш натижасида баҳолари ўсиши суммасидан ошган қисмига ёки ушбу объектларнинг илгариги баҳолари ўсиши суммасининг илгариги баҳолари пасайиши суммасидан ошган суммасига (яъни ушбу объектлар бўйича баҳосининг пасайиши суммасининг 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган қолдиқ суммасидан ортган қисмига);

кредит 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар объектлари бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг пасайиши суммасига;

кредит 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг пасайиши суммасига.

26. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг

ижарага олувчининг (лизингга олувчининг) мулкига ўтиши бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ўз асосий воситалари таркибига ўтказилиши, агарда ушбу объектлар бўйича амалга оширилган ободонлаштириш ишлари қиймати мавжуд бўлса, уларни ҳам қўшган ҳолда:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100 — асосий воситаларнинг турлари бўйича);

кредит 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

кредит 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

б) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ободонлаштиришини ўз асосий воситалар таркибига ўтказилганда, улар бўйича жамғарилган эскириш суммаларини ўтказиш (қўчириш):

дебет 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскириши суммасига;

дебет 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг жамланган эскириши суммасига;

кредит асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200 — асосий воситаларнинг турлари бўйича);

в) молиявий ижара шартномаси бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдиғини тўлаш суммасига:

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти — жорий қисми;

дебет 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счёти — узоқ муддатли қисми;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

27. Ижарага берувчига (лизингга берувчига) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш объектлари қайтарилганда, бухгалтерия ҳисобида қўйидаги ёзувлар амалга оширилади:

а) бошланғич (қайта тиклаш) қийматига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

кредит 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий во-

ситаларни ободонлаштириш» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

б) жамланган эскириш суммасига:

дебет 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскириш суммасига;

дебет 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти — молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг жамланган эскириш суммасига;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

в) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш қийматининг ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан қопланадиган суммасига:

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

г) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган мазкур асосий воситалар объектларини ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш объектларини қайта баҳолаш натижаси (қолдик) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

д) ижара (лизинг) тўловлари жадвали (тартиби) бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдиғи суммасига:

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти;

дебет 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счёти — узоқ муддатли қисми (молиявий ижара шартномаси муддати тугагунга қадар қайтарилиш амалга оширилган ҳолларда қўлланилади);

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

е) молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан амалга оширилган молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқалар) суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

ж) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариш натижасида олинган фойда суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;

з) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариш натижасида кўрилган зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

и) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича харажатларни қоплаш учун ижарага берувчидан (лизингга берувчидан) пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти.

28. Мулкни кейинчалик қайта ижарага олиш (лизингга олиш) шарти билан сотиш ҳолларида, ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) мулкни сотиш операциялари олди-сотди сифатида қаралади ва сотувчининг бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БХМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га (2002 йил 23 октябрь, рўйхат рақами 1181 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 20-сон) мувофиқ амалга оширилади.

Кейинчалик ижара ҳисоби ижарага олувчи (лизингга олувчи) ва ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан мазкур Низомда ўрнатилган тартибда юритилади.

#### § 4. Оператив ижара ҳисоби

29. Оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ижарачида балансдан ташқари счёт ҳисобланган 001 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар» счётининг дебитида акс эттирилади. Бунда, оператив ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар ижарага берувчида худди олдинги каби асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади.

30. Оператив ижара билан боғлиқ операциялар ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) оператив ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);

б) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда жорий даврга тегишли бўлган ва ижарага олувчидан келиб тушадиган ижара тўловлари (ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ) ҳисобланганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти;

в) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда жорий даврга тегишли бўлган ва ижарага олувчидан келиб тушадиган ижара тўловлари (ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ) ҳисобланганда:

дебет 4820 «Оператив ижара бўйича олинadиган тўловлар» счёти;

кредит 9350 «Оператив ижарадан даромадлар» счёти;

г) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда ижара тўловларининг келиб тушиши:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»;

д) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижара тўловларининг келиб тушиши:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4820 «Оператив ижара бўйича олинadиган тўловлар» счёти;

е) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;

ж) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарачидан олдин олинган бўнаклар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»;

з) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарачидан олдиндан олинган бўнаклар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти,

кредит 4820 «Оператив ижара бўйича олинadиган тўловлар» счёти;

и) ижарачи томонидан амалга оширилган оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича харажатларнинг ижарага берувчи томонидан қоплаш учун тан олинганда:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

к) ижарачи томонидан амалга оширилган оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича харажатларни қоплаш учун ижарачига пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

31. Оператив ижара билан боғлиқ операциялар ижарачининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижарага берувчига тўланиши лозим бўлган ва ҳисобот даврига тегишли (ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ) ижара тўловлари ҳисобланганда:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва бошқа счётлар — оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб);

кредит 6910 «Тўланадиган оператив ижара» счёти;

б) ижарага берувчига ижара тўловлари тўланганда:

дебет 6910 «Тўланадиган оператив ижара» счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

в) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича ижарага берувчига бўнақ тўланганда:

дебет 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

г) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарага берувчига олдин тўланган бўнақларни қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6910 «Тўланадиган оператив ижара» счёти;

кредит 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти;

д) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар амалга оширилганда:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

е) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтарилганда, капитал қўйилмалар суммасини ҳисобдан чиқариш:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

ж) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар қийматининг ижарага берувчи томонидан қопланадиган суммасига:

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

з) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмаларнинг берилиши натижасида олинган фойда суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;

и) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмаларнинг берилиши натижасида кўрилган зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

к) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар қийматини қоплаш учун ижарага берувчидан пул маблағлари тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари счёти.

Оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтариб берилганда, балансдан ташқари счёт ҳисобланган 001 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар» счёти кредитланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР  
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**266** Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
2 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1962*

*(2009 йил 12 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 226-сонли қарорига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилди:**

1. «Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.



2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Ўрта махсус, касб-ҳунар  
таълими маркази директори**

**З. САТТОРОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 май,  
18 Қ/Қ-сон

**Халқ таълими вазири**

**Ф. ШОУМАРОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 май,  
20-сон

**Давлат тест  
маркази директори**

**Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 май,  
13/ҚҚ-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази,  
Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест  
марказининг 2009 йил 1 майдаги  
18 Қ/Қ, 20, 13/ҚҚ-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим  
мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича  
Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан  
олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 226-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 42-сон, 422-модда) мувофиқ академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Қуйидагилар ўқувчи ёшлар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказишнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади:

а) ўқувчи ёшларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятини намоён қилиш;  
б) ўқувчиларда ўзлари танлаган фанлар ва ихтисосликларни чуқур ўрганишга қизиқишларини ошириш;

в) ўқувчиларнинг келажакдаги касбларни тўғри танлашига кўмаклашиш.

2. Фан олимпиадаларининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ҳамда ушбу Низом талаблари асосида таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнининг замонавий талаблар даражасида бўлишини таъминлаш, фан ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш, қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда тарбиялашга қаратилган ижодий изланишлари ва меҳнатини рўёбга чиқариш;

б) қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, рағбатлантириш ва камолотга етказиш жараёнида таълим муассасаси, ота-оналар ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;

в) фан олимпиадаларининг ғолиблари орасидан халқаро фан олимпиадаларида мамлакатимиз шарафини муносиб химоя қиладиган ўқувчиларни аниқлаш.

## II. Республика олимпиадаларини ўтказиш тартиби

3. Республика (фан) олимпиадалари ҳар йили академик лицейлар, касб-хунар коллежларининг 1, 2, 3-курс ўқувчилари ва умумтаълим мактабларининг IX, X, XI синфлари (мажбурий 12 йиллик таълимга тўлиқ ўтилгунгача) ҳамда IX синфлар ўқувчилари (мажбурий 12 йиллик таълимга тўлиқ ўтилгандан кейин) ўртасида ўтказилади.

4. Фан олимпиадалари тўрт босқичда ўтказилади:

а) 1-босқич — ўқиш жойи бўйича;

б) 2-босқич — туман, шунингдек ҳудуди туманларга бўлинмаган шаҳар бўйича;

в) 3-босқич — вилоят бўйича, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида;

г) 4-босқич — республика бўйича.

5. Фан олимпиадасининг биринчи босқичида умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар, касб-хунар коллежларининг барча ўқувчилари иштирок этишлари мумкин. Навбатдаги босқичларда эса фақат олдинги босқичларда I, II, III ўринни эгаллаб, ғолиб бўлганлар катнашадилар.

Ғолиблар 76 — 100 балл тўплаган ўқувчилар орасидан аниқланади.

6. Биринчи босқичда академик лицейлар ва умумтаълим мактабларининг чуқурлаштирилган фанлар бўйича I ўринни эгаллаган ўқувчилари олимпиа-

данинг II босқичида қатнашмасдан тўғридан-тўғри 3-босқичида қатнашадилар.

7. Фан олимпиадаларининг барча босқичларида голиблар ҳам фанлар бўйича, ҳам курслар (синфлар) бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 226-сонли қарорига мувофиқ фан олимпиадаларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъулият тегишли равишда академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юкланади.

Яқунловчи — тўртинчи босқич бўйича — мажбурий 12 йиллик таълимга тўлиқ ўтилгунгача Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига ва Халқ таълими вазирлигига, мажбурий 12 йиллик таълимга ўтилгандан кейин эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига юкланади.

9. Фан олимпиадаларини ўтказиш бўйича бутун тадбирлар комплекси бажариш учун Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари ўз буйруқлари билан ташкилий кўмиталар, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари ва бошқа тузилмаларни ташкил этадилар.

10. Ташкилий кўмиталар фан олимпиадасига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда ягона илмий-услубий ёндашувни таъминлайдилар, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари таркибини шакллантирадилар ва тасдиқлайдилар, тестлар ва синов топшириқларини тайёрлашни ташкил этадилар, баҳолаш мезонларини ва яқунлар чиқариш тартибини тасдиқлайдилар.

11. Фан олимпиадаларининг барча босқичларида ташкилий кўмита, ҳайъат аъзоларининг фарзандлари, ҳайъат аъзоларининг ўқувчилари ёки яқин қариндошлари иштирок этаётган бўлса, ушбу шахслар ташкилий кўмита қарори асосида ташкилий кўмита ёки ҳайъат аъзолари таркибидан чиқарилади.

12. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги фан олимпиадаларининг барча босқичларини, 4-босқичини ўтказишда эса Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан ҳамкорликда тасдиқланган мезонлар ҳамда ошкоралик тамойиллари асосида ўтказиш чоратадбирларини белгилайдилар ва амалга оширадилар.

13. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги фан олимпиадаларининг барча босқичлари учун ишлаб чиқилган тест топшириқлари, ёзма ва амалий ишларни Давлат таълим стандартлари ва ўқув

дастурларига мазмунан мос келишини ҳамда мураккаблигига қўйиладиган талабларнинг олий таълим муассасаларига қабул қилинадиган абитуриентлар билимлари даражасига мувофиқ бўлишини таъминлайди.

14. Кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатлари ўқувчилари орасида она тили ва адабиёт, математика фанларидан олимпиада Брайль усулидаги ёзув асосида ўтказилади. Топшириқлар ташкилий қўмита тасдиқлаган ижодий гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилади, махфийлиги таъминланади ҳамда қатнашчилар кўрсатган натижалар баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

15. Фан олимпиадалари ғолибларининг ёки бошқа қатнашчиларнинг ишларини ўзга жамоа раҳбарлари, иштирокчилар ва уларнинг ота-оналарига кўрсатиш қатъиян ман қилинади.

16. Фан олимпиадалари жараёнида ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилмаган ўқувчилар ҳакамлар ҳайъати қарори билан олимпиададан четлаштирилади. Бу ҳақда тузилган далолатнома ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

### **III. Фан олимпиадасининг биринчи босқичини ўтказиш тартиби**

17. Фан олимпиадасининг биринчи босқичини ўтказиш масъулияти академик лицей, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари директорлари зиммасига юкланади.

18. Биринчи босқичда умумтаълим мактабларининг 9 — 11-синф ўқувчилари ва академик лицейлар, касб-хунар коллежларининг 1 — 3-курс ўқувчилари учун топшириқлар таълим муассасаси ташкилий қўмитаси томонидан тайёрланади.

19. Олимпиаданинг биринчи босқичида умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар, касб-хунар коллежларининг барча ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

20. Фан олимпиадаларининг биринчи босқичи натижалари таълим муассасасининг педагогик кенгашларида муҳокама этилади ва олимпиада ўтказилган фанлардан I, II, III ўринни эгаллаган ғолибларнинг туман олимпиадасида қатнашиши тўғрисида қарор қабул қилинади.

### **IV. Фан олимпиадасининг иккинчи босқичини ўтказиш тартиби**

21. Фан олимпиадасининг иккинчи босқичини ўтказиш масъулияти Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳудудий бошқармаси ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлими раҳбарларининг зиммасига юкланади.

22. Иккинчи босқич учун тест, ёзма ва амалий ишлар вилоят ташкилий қўмитаси томонидан тайёрланиб, махфийлиги таъминланган ҳолда ўтказиладиган куни махсус вакиллар томонидан етказилади.

23. Фан олимпиадасининг иккинчи босқичи якунлари ҳудудий ўрта

махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари кенгашларида кўриб чиқилади, III босқичда иштирок этувчи ўқувчилар рўйхати тасдиқланади.

#### **V. Фан олимпиадасининг учинчи босқичини ўтказиш тартиби**

24. Фан олимпиадаларининг учинчи босқичини ташкил этиш Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юкланади.

25. Фанлардан ёзма иш вариантлари, тестлар ҳамда амалий ишлар Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази томонидан малакали мутахассислар жалб қилинган ҳолда кўп вариантлик асосида ҳамда махфийлиги таъминланган ҳолда тайёрланади.

26. Тайёрланган топшириқлар Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази томонидан тавсия қилинган эксперт гуруҳлари томонидан биргаликда экспертиза қилинади.

Танлаб олинган топшириқлар ташкилий кўмитанинг икки мутахассис бўлмаган вакили томонидан конвертларга солиниб, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг муҳри қўйилади. Мухрланган конвертлар вилоятларга Ўрта махсус касб-хунар таълим маркази ва Халқ таълими вазирлигининг масъул ходимлари томонидан етказилади.

27. Фан олимпиадасининг учинчи босқичи ёзма иш, тест ва амалий ишлар республиканинг барча ҳудудларида ҳамда Тошкент шаҳрида бир кунда ва бир вақтда ўтказилади.

28. Учинчи босқичда қатнашган ўқувчилар томонидан бажарилган ишлар вилоят ташкилий кўмитаси томонидан таҳлил этилади. Фанлар бўйича ғолиб бўлган ўқувчиларнинг бажарган тест топшириқлари, ёзма иш ва амалий ишлари ҳамда тавсия этилган бошқа ҳужжатлар хатосиз расмийлаштирилган ҳолда олимпиада тугаган куннинг эртасига вилоят ташкилий кўмитаси раиси ёки масъул котиби томонидан республика ташкилий кўмитасининг вакилига шахсан топширилади.

29. Учинчи босқичда аввалги ўқув йилида фан олимпиадасининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган 10-синф ўқувчилари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 2-курс ўқувчилари ҳам тўғридан-тўғри иштирок этадилар.

30. Қорақалпоғистон Республикасида қорақалпоқ тили ва адабиёти фани бўйича ўтказиладиган учинчи босқич олимпиадасида 76 ва ундан юқори балл тўплаб, I, II, III ўринларни эгаллаган ғолиблар яқунловчи IV босқич синовларидан озод этилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини так-

дирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 226-сонли қарорида белгиланган фан олимпиада голибларига бериладиган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланадилар.

31. Қорақалпоқ тили ва адабиёти фани бўйича 3-босқич олимпиада топшириқларини тайёрлаш масъулияти Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зиммасига юклатилади.

## **VI. Фан олимпиадасининг тўртинчи босқичини ўтказиш тартиби**

32. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари олимпиаданинг учинчи босқичида голиб бўлган ўқувчиларни 4-босқичга уюшқоқлик билан тайёрлаш мақсадида барча ташкилий чора-тадбирларни кўради.

33. Учинчи босқич олимпиадасида I, II, III ўринни эгаллаб, голиб бўлган 3-курс (11-синф) ўқувчилари IV босқичда қатнашадилар.

Голиблар 76 — 100 балл тўплаган ўқувчилар орасидан аниқланади.

34. Фан олимпиадасининг 4-босқичидаги тест синовлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан, амалий ишлар Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази томонидан малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда кўп вариантлик асосида ҳамда махфийлигини таъминлаган ҳолда тайёрланади.

35. Республика фан олимпиадалари ўтказиладиган жойга иштирокчиларни олиб келиш ва олиб кетиш, уларнинг яшаш ва йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча ташкилий чора-тадбирлар масъулияти Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

36. Республика фан олимпиадаларининг тўртинчи босқичида фанлардан 76 ва ундан юқори балл тўплаб, I, II, III ўринларни эгаллаган умумтаълим мактабларининг 11-синф ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 3-курс ўқувчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 226-сонли қарорига биноан олий ўқув юртларига тест синовларсиз ҳамда қўшимча имтиҳонларсиз кириш имтиёзига эга бўладилар.

## **VII. Халқаро фан олимпиадаларида иштирок этувчи ўқувчиларни танлаш**

37. Халқаро фан олимпиадаларида иштирок этувчи ўқувчиларни танлаш Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади.

38. Республика фан олимпиадасининг III босқичида умумтаълим фанлардан 1 — 5-ўринларни эгаллаган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 2, 3-курс ўқувчилари ҳамда умумий ўрта таълим муассасасининг 10, 11-синф ўқувчилари халқаро фан олимпиадасида қатнашиш учун танловда иштирок этадилар.

39. Танлов икки босқичда ўтказилади.

40. Танловнинг биринчи босқичида I, II, III ўринларни эгаллаган ўқувчилар кейинги босқичда иштирок этадилар.

41. Танлов ўтказиш жойи ва муддати Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

42. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги тавсия қилган эксперт гуруҳи томонидан танловда қатнашган ўқувчиларнинг ёзма ишлари текширилади ва ғолиблар аниқланади.

43. Ғолибларни аниқлашда ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини масалалар ечишга татбиқ этиш қобилиятлари, топшириқларнинг оригинал ечимларини топишлари, ёзма жавобларни тўла баён этиши ва илмий хулосалар чиқариши эътиборга олинади.

### **VIII. Ҳакамлар ҳайъати**

44. Фан олимпиадаларининг барча босқичларини ўтказиш учун ҳар бир фан бўйича 5 — 7 кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати таркиби тузилади ва ташкилий қўмиталар томонидан тасдиқланади.

45. Ҳакамлар ҳайъати қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) фан олимпиадалари иштирокчилари томонидан бажарилган ишларни тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида текширади ва баҳолайди;

б) фанлар бўйича ғолибларни аниқлайди;

в) фан олимпиадалари якунлари юзасидан белгиланган тартибда қарор матнларини тайёрлайди ва расмийлаштиради;

г) фан олимпиадалари натижаларини олимпиада қатнашчилари ва жамоа раҳбарлари иштирокида эълон қилади;

д) ўтказилган олимпиада натижалари ҳақида ташкилий қўмитага батафсил ҳисобот беради ва зарур ҳужжатларни тақдим этади.

46. Ҳакамлар ҳайъати таркибига тавсия қилинган аъзолар олимпиаданинг фақат битта (туман (шаҳар), вилоят ёки республика) босқичида иштирок этадилар.

47. Ҳар бир фан бўйича тузилган ҳакамлар ҳайъати аъзолари ўзлари орасидан фан раисини сайлайдилар.

48. Ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари узлуксиз равишда икки йилдан ортиқ олимпиада ҳакамлари таркибига киритилмайди.

### **IX. Аудитория раҳбари ва назоратчилар**

49. Фан олимпиадасининг барча босқичларида олимпиада жараёнини бошқариш, ташкилий ишларни бажариш, адолат тамойилларига амал қили-

нишини таъминлаш мақсадида ташкилий қўмита томонидан қуръа ташлаш (олимпиада ўтказилишидан олдин) йўли билан олимпиада ўтказилаётган хоналарга аудитория раҳбари ва назоратчи тайинланади.

50. Аудитория раҳбарлари қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) тегишли фан бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзоларини олимпиада ҳужжатлари билан таништиради;

б) фан олимпиадаси жараёнида ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилмаган ўқувчиларни далолатнома тузиб, ҳакамлар ҳайъатига топширади;

в) тест, ёзма иш, амалий ишларни шифрлаб текшириш учун ҳакамлар ҳайъатига топширади;

г) ҳакамлар томонидан текширилган ишларни шифр бўйича рўйхатини тузади ва голибларни аниқлаш учун ҳайъатга тақдим этади.

### **Х. Апелляция комиссияси**

51. Ҳакамлар ҳайъати таркибига кирмаган биттадан фан мутахассисларидан иборат апелляция комиссияси тузилади.

52. Ташкилий қўмитанинг раиси бевосита апелляция комиссияси раиси ҳисобланади.

53. Апелляция комиссияси томонидан олимпиада қатнашчиларининг шикоятлари ва аризалари олимпиада ўтказилган куннинг ўзида қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

54. Фан олимпиадалари қатнашчиларининг аризалари апелляция комиссияси раиси, ўқувчи ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокида апелляция комиссияси аъзоси томонидан кўриб чиқилади.

55. Апелляцияга фан олимпиадалари қатнашчиларининг фақатгина ўзлари томонидан бажарилган ишлари бўйича аризалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

56. Апелляция комиссияси зарурият бўлганда, ҳакамлар ҳайъати қарорини бекор қилиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**267** Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1963*

*(2009 йил 2 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 469-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида»ги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 2009 йил 2 сентябрдан кучга киради.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 1996 йил 26 апрелдаги 106-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида»ги вақтинчалик низом (1996 йил 2 май, рўйхат рақами 242) мазкур буйруқ кучга киргандан сўнг ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

**А. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 22 май,  
160-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2009 йил 22 майдаги 160-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## **Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ва Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига мувофиқ олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартибини белгилайди.

### **I. Умумий қоидалар**

1. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув жараёни жадвалига мувофиқ ўтказилади.

2. Якуний давлат аттестацияси олий таълим муассасасидаги ҳар бир таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича ташкил этиладиган якуний давлат аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади.

3. Якуний давлат аттестацияси комиссияларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

битирувчининг билим, малака ва кўникма даражасининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ келишини комплекс баҳолаш;

якуний давлат аттестацияси натижалари бўйича битирувчиларга бакалавр (магистр) академик даражасини бериш масаласини ҳал қилиш;

комиссия фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида олий маълумотли кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

4. Якуний давлат аттестацияси комиссиялари ўз фаолиятларини мазкур Низом ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва таълим мазмунига қўйилган Давлат таълим стандартлари талабларини бажаришга йўналтирилган бошқа ҳужжатларга таянган ҳолда олиб борадилар.

### **II. Якуний давлат аттестацияси синовлари**

5. Якуний давлат аттестацияси қуйидаги кўринишдаги бир ёки бир неча аттестация синовларидан иборат:

айрим фан бўйича якуний аттестация синови;

таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синови;

битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) химояси.

6. Айрим фан бўйича якуний давлат аттестацияси синови мазкур фаннинг мувофиқ давлат таълим стандартида белгиланган зарурий мазмундан келиб чиққан ҳолда ўқув дастурида назарда тутилган материалларни талаба томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак.

7. Таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синови айрим фанлар мазмунига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, талаба тайёргарлигининг мазкур йўналиш (мутахассислик) бўйича давлат таълим стандартида битирувчига нисбатан назарда тутилган умумий талабларга ҳам жавоб бера олиш даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак.

8. Якуний давлат аттестациясига албатта битирув малакавий ишнинг (магистрлик диссертацияси) ҳимояси киритилади. Айрим йўналишлар учун бу тартибга истисно киритиш фақат Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ҳал этилади.

Якуний давлат аттестацияси синовлари ўқув жараёни жадвалида кўрсатилган муддатларда ўтказилади.

9. Таянч олий таълим муассасалари томонидан, турдош йўналишлар бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари етакчи профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда, якуний давлат аттестацияси синовларининг дастурлари ва битирув малакавий ишни (магистрлик диссертациясини) баҳолаш тартиблари ишлаб чиқилади ва таянч олий таълим муассасаси Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда тегишли олий таълим муассасаларига белгиланган тартибда етказилади.

### **III. Якуний давлат аттестация комиссиялари таркиби**

10. Якуний давлат аттестацияси комиссиялари раислигига номзодлар олий таълим муассасалари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

11. Якуний давлат аттестацияси комиссияси раислари олий таълим муассасасининг идоравий мансублигидан қатъий назар, ушбу таълим муассасасида ишламаётган олимлар, ишлаб чиқаришнинг етакчи мутахассисларидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бир йил (календарь йил) муддатга тасдиқланади.

Бир киши кетма-кет бир олий таълим муассасасида тегишли йўналиш (мутахассислик) бўйича икки мартадан ортиқ якуний давлат аттестацияси комиссиясининг раиси бўлиши мумкин эмас.

12. Олий таълим муассасасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган раислар раҳбарлигида таълим муассасаси ректори буйруғи билан айрим фанлар бўйича якуний аттестация синовлари, таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича фанлараро якуний аттестация синовлари ва битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимоя-

сини ўтказиш бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиялари таркиби шакллантирилади.

13. Якуний давлат аттестацияси комиссиялари таркиби мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасасининг илмий-педагогик кадрлари (аттестация комиссияси умумий таркибининг 50 фоизигача), шунингдек мазкур соҳа кадрларининг истеъмолчилари бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг юқори малакали мутахассислари, турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги тегишли соҳа олимларидан иборат бўлади.

14. Якуний давлат аттестация комиссиялари таркиби камида 5 нафар профессор-ўқитувчи ва мутахассислардан шакллантирилади. Якуний давлат аттестациясида васийлик кенгаши, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва ота-оналар вакиллари жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида қатнашиши мумкин.

15. Якуний аттестация синовлари бўйича якуний давлат аттестацияси комиссияларининг таркиби олий таълим муассасаси ректори томонидан битирув семестри бошланишидан бир ой олдин тасдиқланади.

Зарурият бўлганда аттестация синовларининг бири бўйича бир нечта якуний давлат аттестация комиссиялари тузилиши мумкин.

Якуний давлат аттестацияси жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Олий таълим муассасаларининг давлат аттестациясидан ўтмаган йўналиш ва мутахассисликлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси Давлат тест маркази вакиллари иштирокида ўтказилади.

#### **IV. Якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби**

16. Якуний давлат аттестацияси синовлари бошланишидан олдин якуний давлат аттестация комиссияси раислари билан олий таълим муассасаси ректори шахсан якуний давлат аттестацияси комиссияларининг тайёргарлик даражаси, комиссия раислари ва аъзоларининг вазифалари, битирувчиларга қўйилаётган талаблар, тартиб-интизом тўғрисида семинар-кенгаш ўтказилади.

17. Якуний давлат аттестацияси синовлари ёзма ёки оғзаки усулда ташкил этилади ва ушбу тартиб олий таълим муассасаси Илмий кенгаши қарори асосида таълим муассасаси ректори томонидан белгиланади ҳамда якуний давлат аттестацияси бошланишидан олти ой илгари талабалар эътиборига етказилади. Талабалар дастурлар билан таъминланадилар, уларга тайёргарлик кўриш ва маслаҳатлар бериш учун зарур шароитлар яратилади.

18. Таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синовларига ва битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимоясига тегишли таълим дастурларини тўлиқ тугатган ва ўқув режасида назарда тутилган барча синовлардан муваффақиятли ўтган талабалар қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчилари

тегишли таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин якуний давлат аттестациясидан ўтишлари мажбурийдир.

19. Якуний давлат аттестацияси синовлари ва битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимояси якуний давлат аттестация комиссияларининг очиқ мажлисларида, аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган ҳолда ўтказилади.

Якуний давлат аттестациясига киритилган барча турдаги аттестация синовлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимига мувофиқ аниқланади ҳамда якуний давлат аттестацияси комиссиясининг мажлис баёни белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг шу куннинг ўзида эълон қилинади.

20. Якуний давлат аттестация комиссияси битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси синовлари натижалари асосида уларга таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича бакалавр (магистр) даражаси бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Якуний давлат аттестация комиссияларининг қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан, мажлисда иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

21. Олий таълим муассасаси битирувчиси якуний давлат аттестацияси таркибига киритилган аттестация синовларининг барча турларидан муваффақиятли ўтгандан сўнг унга мувофиқ даража ва олий маълумот тўғрисидаги диплом берилади.

22. Ўқув дастурларини ўзлаштиришда катта ютуқларга эришган ва ўқув режасидаги барча фанларнинг камида 3/4 қисми бўйича 86 балл ва ундан юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган, (бошқа фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 71 баллдан кам бўлмаган), шунингдек, якуний давлат аттестацияси синовларининг ҳар бири бўйича камида 86 балл ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлган бакалаврият битирувчисига «имтиёзли» диплом берилади.

23. Якуний давлат аттестацияси синовларидан (ёки аттестация синовлари турларидан бири бўйича) ўтолмаган талаба уч йил ичида якуний давлат аттестациясига (ўтолмаган аттестация синовларининг ҳар бир тури бўйича бир марта) қайтадан киритилади.

Муддатли ҳарбий хизматда бўлиш ва 3 ёшга тўлмаган бола парвариши бўйича таътил, кўрсатилган 3 йиллик муддатга кирмайди.

Якуний давлат аттестацияси синовидан иккинчи марта ҳам ўта олмаган талабалар масаласи уларнинг аризасига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан кўриб чиқилади.

24. Якуний давлат аттестацияси синовларидан (ёки аттестация синовлари турларидан бири бўйича) қайта ўта олмаган талабага академик маълумотнома берилади ва у ўрнатилган тартибда, тўлов-контракт асосида тегишли курсга ўқиш учун қайта тикланиши мумкин.

25. Айрим фан (ёки фанлараро синовлар) бўйича якуний давлат аттестацияси синовидаги қониқарсиз кўрсаткич (55 баллдан кам) талабани бош-

қа фанлар (ёки фанлараро синовлар) бўйича аттестация синовларидан ўтиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

26. Узрли сабаб билан якуний давлат аттестацияси синовларига келмаган талабалар ректорнинг буйруғи билан якуний давлат аттестация комиссиясининг иши якунланишига қадар бошқа муддатларда ўтказиладиган якуний давлат аттестацияси синовларига киритилиши мумкин.

27. Якуний давлат аттестацияси синовларида олган баҳосига эътироз билдирган битирувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун ректор буйруғи билан апелляция комиссияси тузилади.

28. Якуний давлат аттестацияси жараёнида қўйилган баҳодан норози бўлган битирувчилар якуний давлат аттестацияси баҳолари эълон қилинган кундан эътиборан уч кун муддат ичида апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

29. Апелляция комиссияси ўз хулосасини битирувчига бир кун муддат ичида маълум қилиши лозим.

30. Якуний давлат аттестацияси комиссиясининг иши бўйича йиллик ҳисобот олий таълим муассасаси Илмий кенгашида кўриб чиқилади. Мазкур Илмий кенгашга якуний давлат аттестацияси комиссиялари раислари таклиф қилинади.

31. Якуний давлат аттестацияси комиссиясининг ҳисоботи якуний аттестация синовлари тугаганидан сўнг бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган тегишли вазирлик, идораларга тақдим этилади.

## **V. Якуний қодалар**

32. Мазкур Низомда белгиланган қодалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

33. Ушбу Низом Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Давлат солиқ қўмитаси, Бадий академия, Навоий кон-металлургия комбинати, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш  
агентлиги Бош директори*

**А. АРИПОВ**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель*

*«Ўзбекистон темир  
йўллари» ДАК раиси*

**А. РАМАТОВ**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель*

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель*

**Б. ПАРПИЕВ**

**Бадиий академия раиси**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель*

**Т. ҚЎЗИЕВ**

**Навоий кон-металлургия  
комбинати Бош директори**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель*

**Қ. САНАҚУЛОВ**

**Халқ таълими вазири**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель*

**Ғ. ШОУМАРОВ**

**Соғлиқни сақлаш вазири**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель*

**Ф. НАЗИРОВ**

**Қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазири**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель*

**С. ИСМОИЛОВ**

**Маданият ва спорт  
ишлари вазири**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 6 март*

**Р. ҚУРБОНОВ**

**Ташқи ишлар вазири**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель*

**В. НОРОВ**

**Давлат тест  
маркази директори**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель*

**Б. ИСМОИЛОВ**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2009 йил 30 майдан 5 июнгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситаларини олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2009 йил 30 апрелдаги 47-сонли буйруғи.*

*2009 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1960 (2009 йил 9 июндан кучга киради).*

2. «Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2009 йил 11 майдаги 54-сонли буйруғи.*

*2009 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1961 (2009 йил 11 июндан кучга киради).*

3. «Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 1 майдаги 18 Қ/Қ, 20, 13/ҚҚ-сонли қарори.*

*2009 йил 2 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1962 (2009 йил 12 июндан кучга киради).*

4. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 майдаги 160-сонли буйруғи.*

*2009 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1963 (2009 йил 2 сентябрдан кучга киради).*



**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 979, 2000 йил 16 октябрь).*

*Адлия вазирининг 2009 йил 14 февралдаги 42-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

2. Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1373, 2004 йил 22 июнь).*

*Адлия вазирининг 2009 йил 1 июндаги 127-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

***LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:***

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:*

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

*излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

*респондент ҳужжатлар рўйхати;*

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

*фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:*

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

*фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.*

**WWW.LEX.UZ**

**сайтига марҳамат қилинг**